

“ЭЛЛИКҚАЛЪА ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Элликқалъа тумани, С.Айний кўчаси, 4-уй

2024 йил 10 сентябр

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, С.Айний кўчаси, 1-уйда жойлашган “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **11:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **11:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **12:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 550 656.

“Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият қузатув кенгашининг 2024 йил 19 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 4 сентябр.

Жамият қузатув кенгаши раиси Кунназаров Ерназар Уринбаевич йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Кунназаров Ерназар Уринбаевич – жамият қузатув кенгаши раиси, “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси;

2. Садуллаев Раматулла Хайруллаевич - жамият акциядори.

3. Курбанов Шухрат Базарбайевич - жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси Садуллаев Раматулла Хайруллаевич малака ва тажрибага эга бўлган Жамият қузатув кенгаши раиси Кунназаров Ерназар Уринбаевични йиғилиш раиси ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Курбанов Бекзодни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раиси Ерназар Кунназаров ва йиғилиш котиби этиб Бекзод Курбанов сайланди.

Йиғилишни йиғилиш раиси Ерназар Кунназаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш катнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.Жумабаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2024 йил 4 сентябр ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 707 та акциядорга тегишли 550 656 дона акциялар катнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 287 424 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 52,2 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Матмуратов Рустам – жамият бош директори;

Юлдашев Икром – бош ҳисобчи;

Йиғилиш раиси Ерназар Кунназаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103 сон “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси Ерназар Кунназаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2024-йил 19-августдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Бекзод Курбанов - жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси, Икром Юлдашев- жамият бош ҳисобчиси, Улугбек Джумабаев- жамият бош механиги.

Шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқагача савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 10 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таклиф этилаётган таркибини ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 287 424та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Бекзод Курбанов;
- 2) Икром Юлдашев;
- 3) Улугбек Джумабаев.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 10 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров ўз сўзида кун тартибидаги масала бўйича қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида қуйидагилар белгиланган:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш масканларини (кейинги ўринларда — мулкый мажмуа) жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат бериш. Бунда:

мулкый мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкӣ мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкӣ мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилади;

б) тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкӣ мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 августдаги 477-сон қарорига асосан “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖга қарашли “Гулистон” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари “Ellikqal’a oltin tolasi klaster” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2022 йил 01 ноябрда тузилган 01-сонли шартномага асосан баҳоланган қийматда 1 463,0 млн. сўмга (ҚҚС билан) сотилган.

“Ellikqal’a oltin tolasi klaster” МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ 01.09.2024 йил ҳолатига 509,6 млн. сўм ёки 34,8 фоизи тўланган, қарздорлик 953,4 млн. сўмни, жумладан муддати ўтган қарздорлик 147,7 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Фармон талабларига кўра, “Ellikqal’a oltin tolasi klaster” МЧЖ томонидан “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖга қуйидагича мурожаат қилинган:

2024 йил 30 августдаги 133-сонли мурожаатида “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖнинг мулкӣ мажмуаларини сотиб олиш бўйича “Ellikqal’a oltin tolasi klaster” МЧЖ билан 2022 йилда 01 ноябрда тузилган 01-сонли олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтиришда амалий ёрдам бериш суралган.

Кун тартибидаги масала бўйича, акциядорлардан фикр мулоҳазалари сўралди.

Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров ўз сўзида, “Ellikqal’a oltin tolasi klaster” МЧЖ кластер корхонаси томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисми тўлангандан сўнг мурожаат қилинганда Фармонда белгиланган шартлар асосида кластер сотиб олган “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖга қарашли “Гулистон” пахта қабул қилиш масканини жалб этиладиган кредит бўйича мулкӣ мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат беришни ва мулкӣ мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластер билан тузилган олди-сотди шартномасида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтиришни ва ҳар ойи тенг миқдорларда тўланишини таклиф қилди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 287 424та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ бош директори Р.Матмуратов:

а) “Ellikqal’a oltin tolasi klaster” МЧЖ кластери билан тузилган олди-сотди шартномасида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш ва қолган қарздорликни ойма-ой тенг миқдорда амалга оширишини белгиловчи тўлов графигини тасдиқлаш бўйича қўшимча келишувлар тузсин;

б) “Ellikqal’a oltin tolasi klaster” МЧЖ томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисмини тўлагандан сўнг мурожаат қилинганда “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖга қарашли “Гулистон” пахта қабул қилиш масканини жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат берсин.

Бунда:- мулкый мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

- кредит қарздорлиги ҳисобига мулкый мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкый мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шarti билан амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.



Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:

Е.Кунназаров

Б.Қурбанов

Йиғилиш баённомаси 2024 йил 17 сентябр кuni икки нусхада тузилди.